

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚАНДАҲАРОВ АНВАРЖОН ҲАСАНОВИЧ**

**XVI АСРДА ҚАРМАНА ШАЙХЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ  
ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТДА ТУТГАН ЎРНИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Қандахаров Анваржон Ҳасанович**

XVI асрда Кармана шайхларининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда  
тутган ўрни..... 3

**Қандахаров Анваржон Ҳасанович**

Роль шейхов Карманы общественно-политической и духовной жизни  
в XVI веке .....23

**Kandakharov Anvarjon Khasanovich**

The role of Karmana sheikh in social-political and spiritual life  
in the XVI century .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚАНДАҲАРОВ АНВАРЖОН ҲАСАНОВИЧ**

**XVI АСРДА ҚАРМАНА ШАЙХЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ  
ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТДА ТУТГАН ЎРНИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2018.4.PhD/Таг16 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иноятов Сулаймон Иноятovich**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупова Дилором Юнусовна**  
тарих фанлари доктори, академик

**Хидирова Наргиза Ўриновна**  
тарих фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc 06.01.2018. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади.

(Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси 5- уй, Тарих институти, 2 қават, Мажлислар зали. Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: [info@uzhistory.uz](mailto:info@uzhistory.uz) Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ - рақамли реестр баённомаси билан)

**А. С. Сагдуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор, академик.

**М. Х. Пайзиёва**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

**С. С. Агзамходжаев,**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг ривожланган мамлакатларида Марказий Осиё тасаввуф тарихи ва алломаларининг ҳаёт-фаолияти, маънавий меросларига оид тадқиқотлар устивор аҳамият касб этади. Бундан кўзланган асосий мақсад, аввало, халқлар, миллатлар ўртасида тотувлик, барқарорлик ўрнатиш, ислом дини ва тасаввуфнинг туб моҳиятини англаш, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этишдан иборат. “Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига кўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган”<sup>1</sup>. Бугунги глобаллашув даврида уларнинг илмий ва ижодий фаолиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб тадқиқотларда ўрта асрлар Марказий Осиё хонликларида ижтимоий-сиёсий ҳаёт, дин ва давлат муносабатлари, тасаввуф вакилларининг давлат бошқарувидаги фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, XVI аср Бухоро хонлиги давлат бошқаруви ва унда тасавуф шайхларининг таъсирига бағишланган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан, шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Карманада яшаб фаолият юритган тасаввуф вакиллари – Шайх Худойдод Валий (1461–1532) ва Қосим Шайх Азизон (1500 – 1578)нинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири ҳамда маънавий меросини илмий тадқиқот сифатида ўрганиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мустақиллик туфайли миллий, диний қадриятлар ва тарихий меросимизни мустақил, холис ўрганишга кенг имконият яратилди. Шулар қаторида ўрта асрларда яшаган тасаввуф вакилларининг илмий мероси, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда тутган ўрнини ўрганиш тарих фани олдида турган муҳим муаммолардан бири саналади. “Биз кўпинча бу борада ҳам камтарлик қиламиз. Лекин, менинг тилагим, истагим шуки, бу ҳақда кўпроқ гапириш, меросимизни кўпроқ ва чуқурроқ ўрганиш керак”<sup>2</sup>. Ўтмиш алломаларнинг меросларини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш ёшларни ватанпарвар, маънавий баркамол қилиб тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ислоҳ маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сонли ҳамда 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-2995-сонли Қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислоҳ маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 24 июнь.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Она юритммиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 110.

шунингдек мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ишларни амалга оширишда мазкур диссертация самарали хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-маърифий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” дастури устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XVI асрда яшаб, фаолият юритган тариқат вакиллариининг ҳаёти ва фаолиятини илмий тадқиқот сифатида ўрганиш асосан XX аср бошларидан ҳозиргача давом этиб келмоқда. Тадқиқотнинг хусусияти ва нашр қилиниш даражасидан келиб чиқиб, мавзунинг ўрганилишини қуйидаги даврларга ажратиб таҳлил этиш мумкин: 1) Совет даври тарихшунослиги; 2) Мустақиллик даврида мавзунинг ўрганилиши; 3) Хорижий тадқиқотлар шарҳи.

Совет даври тарихшунослиги таҳлил қилинганда дастлаб Абдурауф Фитрат<sup>3</sup> тадқиқотларига мурожаат қилинди. У ўз асарларида асосан яссавия тариқатининг келиб чиқиши, моҳияти ва унинг кейинги даврларда яшаган айрим вакиллари, хусусан, Шайх Худойдод Валий тўғрисида айрим маълумотлар бериш билан чекланган.

Н.Д. Миклухо-Маклай, Е.А. Бертельс, А.А. Семёнов, Р.Г. Мукминова, А.К. Арендс, А.С. Халидов, О.Д. Чехович каби олимларнинг асарларида XVI аср шайбонийлар даври ижтимоий-сиёсий муносабатлари, ушбу даврдаги масжид, мадрасаларнинг вақф ҳужжатлари ҳамда ушбу даврда тасаввуф моҳияти ва тариқат вакиллариининг ҳаёт-фаолияти акс этган айрим манбаларга оид маълумотлар таҳлил қилинган<sup>4</sup>.

Совет даврида ўрганилаётган муаммонинг айрим жиҳатларига боғлиқ бўлган тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, аммо уларда карманалик тасаввуф алломаларининг фаолияти тўлиқ ўрганилиб, илмий таҳлил этилмаган.

Мустақиллик даври тарихшунослигида Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарлари, ўрта асрлар давлатчилиги тарихини ўрганишда улкан ўзгаришлар юз берди. Жумладан, тасаввуф алломалари ҳаёти ва фаолиятлари, илмий-адабий мерослари билан боғлиқ масалалар ҳам янги раҳда объектив ва холисона асосида талқин этила бошланди. Хусусан, Э. Каримов, Н. Комилов, Э. Зоиров, Г. Наврўзова<sup>5</sup>, Б. Бобожонов, Ж. Неъматова, И. Останақулов, М. Исмоилов, И. Усмонов, Н. Хидирова, С. Исмоилов, З. Исақова,

<sup>3</sup> Абдурауф Фитрат. Аҳмад Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 17–37.

<sup>4</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий изланишлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида тўлиқ берилган.

<sup>5</sup> Каримов Э. Э. Яссавийа и Ходжаган Накшбандийа: История действительная и вымышленная. – Ташкент: Узбекистан, 2000. – 72 с.; Ўша муаллиф: Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 48 б.; Комилов Н. Тасаввуф – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. – 448 б.; Зоиров Э. Маҳдуми Аъзам. – Тошкент: Абу Матбуот консалт, 2011. – 28 б.; Наврўзова Г. Баҳоуддин Накшбанд. – Тошкент: Абу Матбуот консалт, 2011. – 24 б.

Ў. Султонов каби олимларнинг<sup>6</sup> тадқиқотларида тасаввуф моҳияти ва унинг вакиллари фаолияти тарихий-фалсафий нуқтаи назардан ўрганилган. Шунингдек, XVI аср тасаввуф тариқатлари ва алломаларининг меросларини ёритувчи асарлар, хусусан, филологик жиҳатдан амалга оширилган И. Ҳаққулов, Б. Валихўжаев, Б. Ўринбоев, К. Каттаев<sup>7</sup> каби олимларнинг ишлари ҳам ўрганилиб, диссертация учун маълум бир хулосалар олинди. Ушбу тадқиқотларда тасаввуфнинг моҳияти, айрим тасаввуф вакиллариининг илмий мерослари таҳлил этилган, аммо уларнинг аксарияти нақшбандия тариқати мисолида ўрганилган ва уларда карманалик яссавия тариқати шайхлари фаолияти тўлиқ очиқ берилмаган.

XVI аср ўзбек давлатчилиги, шайбонийлар сулоласи даври манбалари, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, ўзбек давлатчилиги ва Кармана тарихига оид тадқиқотлар олиб борган Б. Аҳмедов, Азамат Зиё, Г. Агзамова, А. Муҳаммаджонов, М. Исҳоқов<sup>8</sup> каби олимларнинг асарларида ҳам муаммога дахлдор айрим масалалар ёритилган. Қ. Ражабов, С. Иноятовларнинг баъзи тадқиқотлари XVI аср Бухоро тарихи ҳамда бу даврда яшаган тасаввуф вакиллари хусусида бўлсада, уларда асосан Жўйбор хожаларининг фаолияти акс эттирилган ва карманалик шайхлар тўғрисида қисқа умумий маълумот бериш билан чекланган<sup>9</sup>.

Кармана тарихи ва бу ерда яшаб фаолият юритган тасаввуф вакилларнинг фаолиятлари С. Иноятов, Ҳ. Тураев<sup>10</sup>, О. Ҳайитова<sup>11</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Ушбу илмий

<sup>6</sup> Бобожонов Б. Политическая деятельность шейхов нақшбандия в Мавареннахре (первая пол. XVI в.). Дисс. канд. ист. наук. ... – Ташкент, 1996. – 171 с.; Неъматова Ж. Яссавийлик ва унинг ижтимоий-фалсафий фикр ривожига ўрни. Фал.фан. ном. дисс...автореф. – Тошкент, 2001. – 31 б.; Останақулов И. Муҳаммад Сиддик Рушдий “Тазкират ул-авлиёи туркий” асарининг Шарқ агиографик манбаларини ўрганишдаги аҳамияти. Тарих фан. док. дисс...автореф. – Тошкент, 2011. – 51 б.; Ўша муаллиф: Муҳаммад Сиддик Рушдий ва унинг “Тазкират ул-авлиёи туркий” асари. – Тошкент: Ислоҳ университети, 2007. – 184 б.; Исмоилов М. Шайх Худойдоднинг “Баҳр ал-улум” асари Марказий Осиёда тасаввуф тарихига оид муҳим манба (XVIII аср иккинчи ярми). Тарих фан. ном. дисс ...автореф. – Тошкент, 2006. – 25 б.; Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ул-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тарих фан. ном. дисс...автореф. – Тошкент, 2006. – 29 б.; Хидирова Н. Хожа Муҳаммад Порсонинг Хожагон-Нақшбандийа тариқатининг ривожланишида тутган ўрни ва роли. (XIV аср охири – XV аср бошлари). Тарих фан.ном. ...дисс. – Тошкент, 2006. – 159 б.; Исмоилов С. Нақшбандия тариқатининг тасаввуф тараққиётидаги ўрни. Фал.фан.ном. дисс...автореф. – Тошкент, 2008. – 36 б.; Исақова З. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари асосида). Фал.фан.ном. дисс...автореф. – Тошкент, 2007. – 25 б.; Султонов Ў. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). Тарих фан. док. дисс ...автореф. – Тошкент, 2016. – 92 б.

<sup>7</sup> Ҳаққулов И. Шайх Нажмиддан Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 264 б.; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор Валий. – Самарқанд, 1993. – 152 б.; Ўша муаллиф: Мумтоз сиймолар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 304 б.; Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худойдод Валий. – Самарқанд, 1995. – 39 б.; Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи. – Самарқанд, 1994. – 80 б.; Ўша муаллиф: Худойдод Валий тарихи. – Самарқанд, 1995. – 71 б.

<sup>8</sup> Ушбу олимларнинг тадқиқотларига оид маълумотлар диссертация ишида тўлиқ берилган.

<sup>9</sup> Ражабов Қ. Жўйбор хожалари // Хидоят. – 2006. – №2. – Б. 17–18; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: Тафаккур, 2016. – 460 б.

<sup>10</sup> Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Тошкент: Шарқ, 2006. – 192 б.; Иноятов С., Тураев Ҳ., Саидов М. Қосим Шайх Азизон. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент: 2000. – 40 б.

<sup>11</sup> Ҳайитова О. Кармана шаҳрининг Бухоро хонлиги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан.ном. дисс.... – Тошкент, 2004. – 141 б.; Ўша муаллиф: Карманалик буюк сиймолар ва муқаддас қадамжолар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 48 б.

изланишларда Кармананинг ижтимоий-сиёсий ва стратегик аҳамияти ҳамда карманалик алломалар фаолиятининг баъзи жиҳатлари очиб берилган. Лекин, ушбу тадқиқотлар ўрганилаётган масаланинг моҳиятини тўла қамраб ололмади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб XVI асрда яшаган карманалик шайхларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти диссертация мавзуси сифатида илк бор тадқиқ этилди.

Шайбонийлар давлатида ислом дини уламолари, хусусан, Яссавия тариқати вакиллари ҳам ўзларининг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётига қўшган ҳиссалари туфайли ўрта асрлар давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутди. Тадқиқ этилаётган даврда яшаган ҳукмдорлар ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган махсус тарихий асарларда тасаввуф вакиллари ҳақида ҳам айрим маълумотлар келтирилади. Лекин, ушбу маълумотлар муаммони тўлалигича қамраб ололмади. Шу боис айрим тасаввуф шайхлари фаолиятига бағишланган маноқиб ва тазкираларни қўшимча маълумот берувчи манба сифатида тадқиқотларга жалб қилиш мақсадга мувофиқдир<sup>12</sup>.

Мавзуга доир хорижий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган муаммонинг бевосита тасаввуф тариқатлари билан алоқадорлиги Ж. С. Трименгем<sup>13</sup>, Фуад Купрулузода<sup>14</sup>, Усмон Турар<sup>15</sup> каби олимларнинг асарлари ҳамда Виктория Гарднер<sup>16</sup>, М. Неъматов, З. Наботов<sup>17</sup> каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Тадқиқот давомида улар ўрганилиб, диссертация учун зарур хулосалар олинди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлимининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ. Тадқиқот ИЖ.10-18-сонли “Навоий вилояти чўл ҳудудлари маҳаллий аҳолисининг муқаддас қадамжолари тарихи ва улар билан боғлиқ ривоятлар” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Бухоро хонлигида шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври (1500–1601)да Кармана шайхларининг, хусусан, Шайх Худойдод Валий (1461–1532) ва Қосим Шайх Азизон (1500–1578)нинг давлат ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

---

<sup>12</sup> Хусусан: Олим Шайх Азизоннинг “Ламаҳот”, Шайх Худойдод Валининг “Маноқиб”и ва шу каби бошқа агиографик асарлар тадқиқотга жалб қилинди.

<sup>13</sup>J.Spencer Trimmingham. The sufi orders in islam. Oxford at the Clarendon press. 1971. – 359 p. Электрон китоб: <https://archive.org/details/160961366SufiOrdersInIslam>. Яна қаранг: Тримингем Дж. С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с англ. А. А. Ставиской. – Москва: Наука, 1989. –2 60 с.; Электрон китоб: [http://toyallib.com/book/trimingem\\_dg/sufiyskie\\_ordeni\\_v\\_islame.html](http://toyallib.com/book/trimingem_dg/sufiyskie_ordeni_v_islame.html).

<sup>14</sup> Fuad Kuprulu. Turk edebiyatında ilk mutasavvıflar. – Ankara, 1976. – 469 p.

<sup>15</sup> Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Турк тилидан Нодирхон Дадахон таржимаси. – Тошкент: Истиклол, 1999. – 180 б.

<sup>16</sup> Gardner, Victoria R. The written representations of a Central Asian Sūfī Shaykh: Ahmad ibn Mawlānā Jalāl al-dīn Khwājagī Kāsānī “Makhdūm-i A’zam” (d.1542), PhD. Dissertation, The University of Michigan, 2006. – 250 p.

<sup>17</sup> Наботов З. Проблема человека в накшбандизме. дисс. канд. фил..наук. – Душанбе, 2002. – 134 с.; Неъматов М. С. “Рашахоту айн-ил ҳаёт” Фахруддина Али Сафи и его литературно-мистическое значение. Дисс. канд. фил. наук....автореф. – Таджикистан. Хужандского Государственного университета, 2009. – 28 с.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

XVI аср шайбонийлар давлатида рўй берган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари, дин ва давлат муносабатлари каби масалаларни илмий-тарихий нуқтаи назардан ўрганиш;

Шайбонийлар хукмронлиги даврида Кармананинг стратегик аҳамиятини кўрсатиш ҳамда ҳудуднинг яссавия тариқати марказларидан бири эканлигини очиқ бериш;

Кармана шайхларининг XVI аср Бухоро хонлиги ижтимоий-сиёсий жараёнларига таъсирини Шайх Худойдод Валий ва Қосим Шайх Азизон мисолида ўрганиш;

“Маноқиб” ва “Ламаҳот” каби агиографик (грек. *agios* – “муқаддас, авлиё”; *grafos* – “ёзаман”) манбаларда келтирилган маълумотларни турли тарихий асарлар билан қиёсий таҳлил қилиш ва ушбу асарларнинг Яссавия тариқати шайхлари тарихини ўрганишдаги аҳамиятини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XVI асрда яшаган Шайх Худойдод Валий ва Қосим Шайх Азизоннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда маънавий мероси олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни карманалик алломалар ҳаёт-фаолияти акс этган манбалар, архив материаллари, тарихий асарлар ва уларнинг маънавий мерослари таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида тарихийлик тамойили, хронологик ва тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

карманалик яссавия тариқати шайхларининг Муҳаммад Шайбонийхон ва Убайдуллахонлар томонидан Мовароуннаҳрни ягона марказга бирлаштиришдаги ўрни ҳамда уларнинг мадраса талабалари, бева-бечораларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, миллатлараро тотувлик ва экологик маданиятни тарғиб этишдаги фаолияти аниқланиб, илмий муомалага киритилди;

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Убайдуллахон ўртасидаги сиёсий зиддиятларни бартараф этиш ҳамда Мовароуннаҳрда шайбонийлар сулоласи хукмронлигининг узил-кесил ўрнатилишига Шайх Худойдод Валийнинг таъсири тарихий фактлар асосида далилланган;

Қосим Шайх Азизоннинг Абдуллахон II томонидан давлатни марказлаштиришдаги фаолиятига маънавий кўмаги ҳамда 1551, 1569, 1576 йилларда шайбоний султонлар ўртасидаги тожу тахт учун курашларда мамлакат тинчлиги ва халқ осойишталигини таъминлаш мақсадида ҳукмдорларни муросага келтириш йўлида олиб борган сулҳпарварлик фаолияти аниқланган;

XVI асрда яссавия ва нақшбандия тариқатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар Шайх Худойдод Валий – Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Қосим Шайх Азизон – Жўйибор хожаларининг ҳамкорлик алоқалари мисолида очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Ўзбекистоннинг 1500–1590 йиллар тарихини ёритиш ва тасаввуф тарихини ўрганишда ушбу диссертация натижаларининг назарий-услубий жиҳатлари кўрсатиб берилган;

Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даврига оид янги илмий далиллар аниқланиб, XVI асрда Кармана ва унинг атрофларида бунёд этилган тарихий обидалар ва қадамжоларнинг ички туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти ишлаб чиқилган;

диссертацияда баён этилган тарихий воқелик, қайд этилган таклифлар, ишлаб чиқилган хулосалар натижасида шайбонийлар сулоласи даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда Шайх Худойдод Валий ва Қосим Шайх Азизон илмий меросининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, тадқиқот давомида бевосита муаммога дахлдор бўлган бирламчи манбалардан фойдаланилганлиги, концептуал ва илмий асосга эга хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқлангани билан боғлиқ. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ёш авлодда ватанпарварлик ва комил инсон сифатларини тарбиялай олиши, ҳал этилган вазифаларнинг тадқиқот мақсади ва илмий фаразига мослиги ҳамда таълим жараёнида кутилган натижаларни қафолатлай олганлиги каби ҳолатлар билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда баён этилган фикр-мулоҳазалар XVI аср Кармана шайхлари, хусусан, Шайх Худойдод Валий ва Қосим Шайх Азизоннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, тарихий мерослари, ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни тўғрисида илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш ва илмий хулосаларни амалиётга жорий этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маданий мерос ҳамда ўрта асрлар давлатчилигини тадқиқ этишга бағишланган мақсадли давлат дастурларини бажарилишига, шунингдек, ижтимоий-гуманитар, хусусан, тарих ва маънавий соҳаларига оид билимларни ривожлантиришга, яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XVI асрда Кармана шайхларининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда тутган ўрнига оид ишлаб чиқилган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

карманалик тасаввуф шайхларининг мамлакат сиёсий ҳаётига таъсири, уларнинг маънавий мерослари ва яссавия тариқати ривожидagi ўрни каби масалалар Тошкент ислом университети<sup>18</sup>, Навоий давлат кончилиқ институти, Бухоро давлат университети, Навоий давлат педагогика институтларида “Ўзбекистон тарихи”, “Ўрта Осиё тасаввуф тариқатлари

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сонли Фармонида асосан Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди.

тарихи”, “Тарихшунослик”, “Диншунослик”, “Ўлкашунослик ва туризм”, “Маънавият асослари”, “Ўрта асрлар тарихи” каби фанларни ўқитишда ва талабаларнинг илмий тадқиқот ишларида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 январдаги №89-03-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши талабаларда ўрта асрлар Ўзбекистон тарихи ва тасаввуф тарикати вакилларининг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятлари тўғрисидаги билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган;

Шайх Худойдод Валий ва Қосим Шайх Азизоннинг Навоий ва Самарқанд вилоятларида жойлашган муқаддас зиёратгоҳлари тарихи, масжид-хонақоҳлари ва алломаларнинг диний-тасаввуфий қарашлари тўғрисида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишда Республика диний идоралари томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг 2017 йил 21 августдаги № 1316-сон далолатномаси). Қўлга киритилган илмий натижалар ислом динига оид зиёратгоҳлар тарихини билиш ва диний қадриятларни англаш, тасаввуф таълимотидаги инсонпарварлик, ватанпарварлик моҳиятини янада кенгроқ тушунишга имкон яратган.

Навоий вилоятида жойлашган муқаддас қадамжолар ва алломаларнинг ижтимоий фаолиятига оид маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлимида бажарилган № ИЖ. 10-18 рақамли лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлимининг 2018 йил 12 ноябрдаги № 06/11-сон хати). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тарихий объектлар тўғрисида ёзилган тарихий манбалардан фойдаланишда ва қадамжолар ҳақидаги оғзаки ривоятларни илмий асослашга имкон берган.

XVI асрда яшаган карманалик алломалар таълимотининг асоси бўлган меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, илм-маърифат каби масалаларни ёш авлод ва кенг жамоатчиликка тарғиб қилишда Ўзбекистон МТРК Навоий вилоят телевидениеси “Навоий” ва “Диёр” телеканалларида намойиш этилган “Мозий кўзгуси” номли давомли ҳужжатли фильм ва “Тарихдан сабоқлар” номли радиоэшиттиришни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Навоий вилоят МТРКнинг 2017 йил 13 июлдаги 01-09-203-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар алломалар илмий мероси ва қадамжолари тарихига бўлган қизиқишни янада кучайишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 35 та илмий анжуман ва конференцияларда, шу жумладан, 10 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 53 та илмий иш чоп этилган. Шундан 1 та монография, 3 та рисола ва илмий журналларда 24 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 13 та, хорижий журналларда 4 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 135 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“XVI аср Бухоро хонлигида ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар”** деб номланган биринчи бобида шайбонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигида юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, дин ва давлат муносабатлари ҳамда Кармананинг XVI аср тарихи ва унинг яссавия тариқати ривожига ўрни таҳлил қилинди.

Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) вафотидан сўнг XV аср охирларига келиб темурий шаҳзодалар ўртасида кучайиб кетган ўзаро ички зиддиятлар мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволига жиддий таъсир кўрсатди. Маҳаллий аҳолининг эса бора-бора темурийларга бўлган ишонч ва эътиқодлари сўниб борди. Бундай вазиятдан усталик билан фойдаланган Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) қисқа вақт ичида темурийларга қарашли бўлган Бухоро, Самарқанд, Марв, Ҳирот, Машҳад, Нишопур каби шаҳарларни эгаллади ва Сирдарёдан то марказий Афғонистонгача бўлган катта ҳудудларни қўлга киритди. Мовароуннаҳрда темурийлар ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шайбонийхонга бир неча маротаба жиддий қаршилик кўрсатиб, ҳарбий юришларни амалга оширди, лекин у мақсадига эриша олмади.

Муҳаммад Шайбонийхон ҳужуми арафасида ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг ёмонлиги, меҳнаткаш халқ оммасининг тобора қашшоқлашуви ҳам кўчманчи Дашти Қипчоқ қабилалари ғалабасининг асосий омилларида бири бўлди. Бундай оғир иқтисодий аҳвол мамлакатнинг таянчи ҳисобланган диний уламолар ва зиёлилар томонидан шайбонийлар хокимиятини қўллаб-қувватланишига сабаб бўлди.

Ўрта асрлар давлатчилиги тарихида дин ва давлат, давлат ва тасаввуф шайхлари мавзулари кам ўрганилган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Амалга оширилган айрим тадқиқотлар ҳам асосан Нақшбандия тариқати ва шайхлари мисолида ўрганилган. Хусусан, Жўйбор шайхлари фаолиятини очиқ беришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Буни Жўйбор шайхларининг қарманалик шайхларга нисбатан қўлида тўпланган катта ер-мулкларининг мавжудлиги ва уларнинг давлат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида маълум мансабдорлик ваколатлари билан ҳам изоҳлаш мумкин<sup>19</sup>.

---

<sup>19</sup> Батафсил қаранг: Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-

Бу даврларда Ғарбий Европа мамлакатлари, хусусан, Германияда христиан черковлари ислоҳ қилиниши бошланиб<sup>20</sup>, дин ва давлат ўртасидаги муносабатларга маълум маънода аниқлик киритилаётган эди. Буни католик черковининг бу даврларда халқнинг ва давлатнинг ишончини йўқота бошлагани нуқтаи назаридан изоҳлаш мумкин. Ўзбек хонликларида эса аксинча, дин ва давлат муносабатлари чуқурлашиб борганлигини кузатамиз. Бунинг албатта, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий сабаблари мавжуд эди. Барча ўрта аср давлатларига хос бўлгани каби Бухоро хонлигида ҳам диний уламоларнинг мавқеи баланд эди. Ушбу сулола вакиллари замонасининг машҳур шайх ва уламоларини ўзларига пир деб билган ва мамлакат ички ҳамда ташқи сиёсатини амалга оширишда уларнинг ёрдамига таянган. Шайбонийлар даврида Бухорода Жўйбор хожалари, Карманада Қосим Шайх Азизон, Самарқандда Шайх Худойдод Валий ва Маҳдуми Аъзам Даҳбедий (1461-1542) каби тасаввуф вакиллари фаолият юритган. Шайбонийхон Мовароуннахрни эгаллагач, ўз даврининг кўзга кўринган айрим дин вакиллари билан муносабат ўрнатишга ҳаракат қилди. Буни Шайх Худойдод Валий ва Шайбонийхон ўртасидаги муносабатларда ҳам кўриш мумкин<sup>21</sup>.

Кармананинг XVI аср Бухоро хонлигида тутган ўрни ва аҳамияти, бу ерда жойлашган муқаддас қадамжолар тарихи ва машҳур тасаввуф алломалари фаолиятига оид манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Кармана бу даврда Яссавия тариқати марказларидан бири бўлган.

Айрим тадқиқотларда XVI асрга келиб Кармана вилояти тахминан Дабусия қалъасидан то Ғиждувон музофотининг дарё устидаги Эшонкўприк, яъни Қизилтепа билан Ғиждувон туманларини ажратиб турувчи чегарасигача бўлган суғорма ерлар ва унинг теварагидаги тоғлар ҳамда даштлар билан чегараланганлиги қайд этилган<sup>22</sup>.

Абдуллахон II туғилган вақтда (1534 й.) унинг отаси Искандар Баҳодирхон Миёнқол (Кармана) ва Офаринкент ҳокими эди. Миёнқол билан Карманани бирлаштиришга сабаб, бу даврда Миёнқол ва Кармана вилоятлари битта бўлиб, Миёнқол деб юритилган ва маркази Кармана бўлганлиги тарихий манбаларни ўрганиш натижасида аниқланди<sup>23</sup>.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, XVI асрда Бухоро хонлигида Кармананинг мавқеи ошиб, обод бўлишида ҳамда бу ерда кўплаб меъморий

---

маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни. Тарих фан.док. дисс... автореф. Тошкент: 2007.- 40 Б.

<sup>20</sup> Бу даврда католик черковининг ислоҳ қилиниши натижасида “протестантлик” оқими пайдо бўлди. Бу Мартин Лютер (1483–1546) томонидан ишлаб чиқилган ақидапарастлик ва мутаассибликдан холи янги оқим бўлиб, у руҳонийлар ва черковнинг Худо билан диндорлар ўртасидаги воситачилик ролини тан олмайди. Қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5-жилд. “Л” (Лютеранчилик). – Тошкент: ЎЗМЭ, 2003. – Б. 337.

<sup>21</sup>Муҳаммад Олим Шайх. Ламаҳот. Форсчадан К. Каттаев ва А. Нарзуллаевлар таржимаси. – Самарқанд, 2007. – Б.82.

<sup>22</sup>Хайитова О. Карманалик буюк сиймолар ва муқаддас қадамжолар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 4–5.

<sup>23</sup>Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). Тазкира. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 284. Яна қаранг: Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи қисм. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 373–374.

иншоотлар барпо этилиши бевосита Абдуллахон II номи билан боғлиқ. Чунки Абдуллахоннинг бу юртга алоҳида эътибори шуки, Кармана Абдуллахон II нинг туғилган юрти эканлиги<sup>24</sup> ва Бухорога шарқдан бўладиган ҳар қандай хужумга қарши мустаҳкам истехком вазифасини бажарганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Кармананинг XVI аср тарихини тадқиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган қўлёзма хужжатлар ҳам муҳим ўрин тутаети. Мазкур хужжатларда Кармана Бухоро хонлигининг алоҳида бир вилояти сифатида тилга олинади. Айниқса бу худудларнинг иқтисодий ҳаётда тутган ўрни вақф хужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, XVI асрда тузилган “Вақфи хос” хужжатида Кармана қўрғони ичида жойлашган жомеъ масжидига вақф қилиб берилган ерлар рўйхати келтирилган<sup>25</sup>.

Карманада кўплаб яссавия тариқати вакиллари яшаб фаолият юритган. Тасаввуф тарихи ва моҳиятига бағишлаб ёзилган айрим манбаларда “Ота” ва “Азизон” атамалари бевосита Яссавия тариқатига мансуб шайхларга нисбатан қўлланилган<sup>26</sup>. Қадимий Кармана ва унга яқин манзилларда “Ота” номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ва қадамжолар мавжуд<sup>27</sup>. Биргина Қосим Шайх Азизон, Шайх Худойдод Валий ва уларнинг кўплаб муридлари бўлганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, Кармана Миёнқоли ва унинг чегара худудларида Хожа Аҳмад Яссавий ва яссавия тариқатига тааллуқли жойлар, номлар ва тушунчалар кўплаб учрайди. Жумладан, қадимий Кармана сарҳадига тегишли бўлган, бугунги Навбаҳор тумани Қахрамон қишлоғида Аҳмад Яссавий зиёратгоҳи мавжуд бўлиб, бу ерда унинг рамзий қабри ҳам мавжуд<sup>28</sup>. Шу атрофларни халқ тилида “Туркистон” деб аталиши ҳам фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Умуман олганда, Кармана ва унинг атрофларида Накшбандия тариқати вакиллари билан бирга кўплаб яссавия тариқати вакиллари ҳам яшаб фаолият олиб борган. Яссавия тариқати пирлари ҳаёти билан боғлиқ тарихий манбаларда тариқат вакилларининг асосан, Хоразм ва Бухоро тарафлардан аста-секин шарққа қараб, яъни Самарқанд атрофларига келиб ўрнашганларини гувоҳи бўламиз. Бунга бир тарафдан ўша даврларда Хоразм ва Бухоро воҳаларида юз берган сиёсий нотинчликлар бўлса, иккинчи томондан яссавия тариқати вакилларининг шарққа силжишида уларнинг ботиний истаклари, яъни тариқат асосчиси Аҳмад Яссавийга нисбатан бўлган яқинлашиш натижаси дейишимиз ҳам мумкин.

<sup>24</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи том. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.169.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (кейинги ўринларда ЎЗР МДА), фонд И- 323, 1-рўйхат, 180-иш, 1-варақ.

<sup>26</sup> Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ламаҳот. Яссавия тариқати пирлари мақомоти. Форсчадан К.Каттаев ва А.Нарзуллаев таржимаси. Самарқанд, 2007. – 191 Б.

<sup>27</sup> Диссертация ишида уларнинг номлари тўлиқ келтирилган.

<sup>28</sup> Ушбу маълумотлар бирор бир тарихий манбаларда учрамасада, халқ орасида сақланиб қолган ривоятларга асосланиб, тадқиқот давомида ушбу рамзий қабр зиёратига ҳам борилди ва қабринг фото суратлари диссертация ишига илова қилинди. Шунингдек, айрим ўлкашуносларнинг асарларида ҳам бу ҳақда айтиб ўтилади. Қаранг: Мустафоев С. Кармана азизлари. – Тошкент: Мухаррир, 2010. – Б. 15.

Шу тарика шайбонийлар сулоласи даврига келиб кўплаб яссавия тариқати вакиллари Кармана ва унинг атрофларида яшаб, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига ўзларининг сезиларли таъсирларини кўрсатди. Бу эса уларнинг меҳнаткаш халққа кўрсатган ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдами, тинчликпарварлик, меҳнатсеварлик ва адолатпарварлик фаолиятларида кўринади.

Диссертациянинг **“Карманалик шайхларнинг хонлик ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсири”** деб номланган иккинчи бобида Шайх Худойдод Валий ҳаёти ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири, маданий ва маънавий мероси таҳлил қилиниб, унинг бугунги кундаги аҳамияти очиб берилди. Шунингдек, ушбу бобда Қосим Шайх Азизоннинг юрт тинчлиги ва мамлакатни бирлаштириш жараёнида фаол иштироки ҳамда маънавий қарашлари таҳлил қилинади.

Манбаларда Шайх Худойдод Валий оиласи дастлаб қавм-қарндошлари, муридлари ва яқин кишилари билан Бухорога, ундан сўнг Кармана атрофларидаги Қизтоғи деган манзилда яшаганлиги айтилади<sup>29</sup>. Тадқиқот давомида ушбу манзил Қизбуви (Қиз тоғи) ҳамда Қарнаб тоғларига туташ бўлган ҳозирги Чўтқора қишлоғи ва Фарҳод мавзеси оралиғидаги худуд эканлиги аниқланди.

Бугунги кунда ҳам Карманага яқин айрим худудларда Шайх Худойдод Валий номи билан боғлиқ манзиллар ва халқ орасида сақланиб қолган айрим ривоятлар мавжуд. Улар Шайхнинг шу манзилларда яшаганлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, Шайх Худойдод номи билан боғлиқ манзилларни Бухоро атрофларида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, Р. Г. Мукминова тадқиқотларида Бухоронинг Чорсу мавзеъсида Бобо Худойдод номли маҳалла ва масжид борлиги айтиб ўтилади<sup>30</sup>. Лекин, таҳлиллари натижасига кўра бу маҳалла ва масжидга XVIII асрда яшаган Шайх Худойдод (вафоти – 1800) номи берилган деган хулосага келинди<sup>31</sup>.

Шайх Худойдод Валий 1496 йилда Самарқанднинг Шероз (ҳозирги Жомбой) туманида жойлашган Ғазира мавзесига келиб хонақоҳ қуради ва умрининг охиригача ушбу масканда фаолият олиб борган. Бундан ташқари, у Самарқанд шаҳрининг айрим маҳаллаларида жойлашган хонақоҳларда ҳам илм-маърифат тарғиботи билан шуғулланган ва милодий 1532 йилда Ғазирада вафот этади. Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг “Самария” асарида Шайх Худойдод Валийнинг вафоти санасини қуйидагича келтиради: “Азизон Шайх Худойдоднинг вафот санаси 939/1532 йил бўлиб, “бир афт Қутби олам” вафоти тарихидир”<sup>32</sup>.

Шайх Худойдод Валийнинг сиёсий ҳаётда тутган ўрни “Ламаҳот” асарида XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда рўй берган Заҳириддин

<sup>29</sup> Ламаҳот –Б. 96.

<sup>30</sup> Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вакеф-наме». Т.: «Наука» 1966. – 317 с.

<sup>31</sup> Исмоилов М. Шайх Худойдоднинг “Бахр ал-улум” асари Марказий Осиёда тасаввуф тарихига оид муҳим манба (XVIII асрнинг иккинчи ярми). Тарих фан.ном.дисс...автореф. Тошкент: 2006. 26–Б.

<sup>32</sup> (برافت قوتب الام) “Оламдаги буюк бир инсон кетди” деган маънода, абжад ҳисобида кўшиб ўқилса, хижрий 939 келиб чиқади. Абу Тоҳирхожа. Самария. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б.171.

Муҳаммад Бобур ва шайбоний Убайдуллахон ўртасидаги сиёсий муносабатлар баёнида ҳам келтирилади<sup>33</sup>. Яъни, 1511 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Эрон ҳукмдори Шоҳ Исмоил Сафавий қўшинлари ёрдамида Самарқанд тахтини эгаллайди ва унга қарши шайбоний Убайдуллахон Мовароуннахрни қайтариб олиш учун жангга отланади.

Шу жараёнда Бобур мирзо Шайх Худойдод Валийга ўз одамини жўнатиб, қўллаб-қувватлашини сўрайди. Лекин, Шайх Худойдод Валий “Ким мусулмонроқ бўлса, ўша подшоҳ бўлғусидир”, деб унга рад жавобини беради. Ўз навбатида, Убайдуллахон ҳам Аҳмад Яссавий мақбараси атрофида ўзига тарафдорларни тўплаб, агар Самарқанд тахтини қўлга киритса, бир умр сунний мазҳабига содиқ қолиши тўғрисида қасамёд қилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса ўзининг билиб-билмай қилган хатосини тушуниб: “Убайдуллахоннинг мусулмонлиги биздан устундир”<sup>34</sup>, деб эътироф этади. Натижада Шайх Худойдод Валий Убайдуллахонни қўллаб-қувватлайдилар. Бу эса ўша давр нуқтаи назаридан қараганда Шайх Худойдод Валий халқнинг бошига тушиши мумкин бўлган яна бир кулфатни, яъни диний можароларнинг ҳам олдини олганлигини эътироф этиб ўтиш лозим. Бу каби воқеалар 1530 йилларда Самарқанд ҳокими бўлиб турган Абу Саъидхон (1530–1533) билан бўлган муносабатларда ҳам кўринади.

Шайх Худойдод Валий деҳқончилик ва турли назр-ниёзлардан тушган нафақалар, озиқ-овқатларни қатъий ҳисоб билан биринчи навбатда, оч қолган, ночор аёллар ва болаларга, майиб-мажруҳларга беришни жорий қилган. Бу эса унинг камбағалпарвар шахс бўлиб, ҳар доим ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйганлигини кўрсатади ва бугунги мустақил давлатимиз ижтимоий сиёсатининг асосий моҳиятини ташкил этадиган “аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш” тамойили билан мантқан боғланади.

Шайх Худойдод Валий тариқатда шогирдлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган ва тариқатдаги маърифат босқичини асосий босқичлардан бири сифатида эътироф этган. Ушбу босқичда шогирдларига саҳиҳ ҳадислар, Қуръон оятларидан сабоқ берган. Бунда мушоҳада қилиш услуби муҳим ўрин тутган. “Маноқиб”да Шайх Худойдод Валий яшаган муҳит, Дашти Қипчоқдан кириб келган кўчманчи аҳолининг ўтроқлашиш жараёни, саводлилик даражаси ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Хусусан, муаллиф Шайх Худойдод Валий тилидан қуйидаги жумлаларни келтиради: “Биз ҳозир бандаларга хос бўлган таълим талабини пасайтириб юборганмиз, нима учун ўтроқ бўлаётган халқлар орасида донишмандлар йўқ”<sup>35</sup>, - деб куюнади.

<sup>33</sup> Ламаҳот... – Б.158.

<sup>34</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). Таржимон ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 191. Яна қаранг: Ламаҳот. – Б. 158.

<sup>35</sup> Улуғ авлиё Шайх Худойдод Вали (Маноқиб). Форс тилидан Сайфуддин Сайфуллоҳ таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 160

Шайх Худойдод ўз муридларига “Олимлик бу амалиёт билан илмнинг бирлашмаси” деб тушунтиради. Шу боис ўзи ўқитаётган талабалар билан ҳам амалий, ҳам назарий машғулотлар олиб бориб, уларнинг билим даражасини текшириб турганлиги тўғрисидаги маълумотлар манбаларда қайд этилган.

Ҳазрат Қосим Шайх Азизон яссавия тариқатининг XVI асрдаги машҳур пирларидан бўлиб, ўз даврида Мовароуннаҳр диёрида етакчи диний уламолардан бири сифатида фаолият олиб борган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қосим Шайх Азизон тахминан XVI аср бошларида Кармананинг Маржонхотин қишлоғида<sup>36</sup> туғилади. Айрим тадқиқотларда Маржонхотин қишлоғида ҳазрат Қосим Шайхнинг 20 танобдан ортиқ экин экиладиган ерлари бўлганлиги ҳақида ҳам қайд этилган<sup>37</sup>. Ўрта аср тарихчиси Шарофуддин Роқимийнинг маълумотларида Қосим Шайх Азизон Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олиб, яссавия тариқати шайхлари ҳазрат Мавлоно Вали Азизон Кўҳизорий ва Шайх Худойдодлардан тариқат сирларини ўрганган<sup>38</sup>.

Қосим Шайх ҳаёти давомида бошқа яссавия тариқати вакиллари билан фарқли ўлароқ давлат ва жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, Абдуллахон II ни мамлакатни бирлаштириш ва марказлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлаган. У тарқоқ бекларни яраштириш, марказий ҳокимиятга бўйсундириш ишларида фаол иштирок этган. Абдуллахон II таклифи билан Қосим Шайх бир неча вақт Бухоро шаҳрида ҳам истиқомат қилган.

Абдуллахон II мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир масалаларни ҳал қилишда Қосим Шайхнинг ёрдамига таянган. Жумладан, 1551 йилда Туркистон ҳамда Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмадхон катта кўшин билан Миёнқол ва Офарикентни босиб олиш учун келаётганини эшитган ҳокимлар ҳар томонга қочиб кетади. Ҳатто, Абдуллахон II нинг отаси Искандархон ҳам Андахуд ва Шибирғон томонга қочган эди. Бироқ, 17 ёшли Абдуллахон II Қосим Шайх ёрдамида Кармана қалъасини ҳимоя қилади. Наврўз Аҳмадхон Карманани 12 кун қамал қилади, бироқ уни ололмайди. Қалъа ичида Қосим Шайхнинг ҳам борлигини эшитган Наврўз Аҳмадхон унга бўлган чуқур ихлоси сабаб Абдуллахон II билан сулҳ тузади ва орқага қайтиб кетади, натижада вайронагарчиликларнинг олди олинади<sup>39</sup>.

Кейинчалик ҳам Абдуллахон II ҳокимиятни эгаллашида Қосим Шайх уни қўллаб-қувватлади ва бу ишларда ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан кўмак бериб турди. Қосим Шайх Азизон 1576 – 1577 йилларда бир-бири билан курашиб турган уч ҳукмдор: Хоразм хони Ҳожи Муҳаммадхон, Қипчоқ даштидан қозоқ Эшимхон ва Абдуллахонларни Карманада бир кигиз устига ўтказиб, сулҳ тузишга эришади<sup>40</sup>. Қосим Шайх саъй-ҳаракатлари билан бутун вилоят осойишта, фуқаро фаровон, мамлакат хавфсиз эди.

<sup>36</sup> Ҳозирги Навоий вилояти Навбоҳор тумани Охунбобоев ширкат хўжалиги худуди.

<sup>37</sup> Рахмонов А. Авлодлар манзили. – Кармана, 1996. – Б. 7.

<sup>38</sup> Шарофуддин Роқимий. Тарихи томм. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 115.

<sup>39</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. Тошкент: Форс тилидан И.Бекжон таржимаси. Янги аср авлоди, 2009. – Б.164.

<sup>40</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 239.

1576 йилда Абдуллахон II томонидан Самарқанднинг босиб олиниши воқеасида Қосим Шайх Азизоннинг фаолияти “Ламаҳот” асарида шундай тасвирланади: “Ҳазрат Қосим Шайх олдида бир толиби илм келиб шаҳарни Абдуллахон қуршаб олганини ва Самарқанд ҳокими Жувонмардалихон билан жанг бўлаётганини билдирди ва уларни яраштиришни сўрайди. Шунда Ҳазрат Қосим Шайх Самарқанд яқинидаги қишлоққа келиб, у ердан Пирим Шайх, Тоҳир Шайх, Ифтихор Шайх, Амир Набира ва Мирмоҳ Шайхларни Жувонмардалихон ҳузурига юбориб, Самарқандни бизга назр қилсин, биз Абдуллахонни унинг (Жувонмардалихон) ва мусулмонларнинг устидан подшоҳ қилайлик”<sup>41</sup>, - дейди. Натижада Қосим Шайх бошчилигидаги диний пешволарнинг саъйи-ҳаракатлари билан Абдуллахон II Самарқанд тахтини эгаллайди ва осойишталик ўрнатади.

Қосим Шайх Азизон давлат тинчлигини таъминлашдаги ҳайирли ишлар билан бир қаторда илм аҳлига, ёшлар таълим-тарбиясига ҳам ҳурмат ва катта эътибор билан қараб уларнинг моддий таъминотлари билан ҳам шуғулланган. Хусусан, бир киши юз тангани Ҳазрати Азизон (Қосим Шайх)га ниёз қилиб олиб келади. У зот эса, ушбу пулларни “талабалар ва хонақоҳ сўфиларига ва Кармана қишлоғи бева-бечораларига олиб бориб беринг! Эй толиби илмлар ва сўфилар, ўқишни ташламаслигингиз учун сизни бундан кутқардик”<sup>42</sup>, -деб таъкидлайди.

Қосим Шайх умрининг асосий қисмини Карманадаги хонақосида ўтказгани, бу ерда тариқат тарғиботи, муридлар тарбияси билан бир қаторда мамлакат ҳукмрон доираларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятига фаол аралашгани ҳам кўзга ташланади. Бир сўз билан айтганда, Қосим Шайх Азизон Қуйи Зарафшон воҳасининг ягона руҳий раҳнамоси сифатида: биринчидан, яссавия тариқатининг мавқеини оширди; иккинчидан, Карманани тасаввуф марказларидан бирига айлантирди; учинчидан, ҳукмдорлар ўртасида ўзаро сулҳ ва битимлар тузилишида воситачилик қилди.

